



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 7 » oktabr № 582

Toshkent sh.

Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари (кейинги ўринларда – ходимлар)нинг **ҳар уч йилда камида бир марта малакасини ошириш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

ходимларнинг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ва унинг филиалларида ташкил этиладиган малака ошириш курсларида амалга оширилади;

малака ошириш курсида ўқитиш муддати **12 соатни** ташкил этади;

ходимларнинг маълумотлари базаси Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органлари томонидан шакллантирилади ҳамда юритилади;

ходимларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар уларни малака оширишга юборган ташкилотнинг **бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан** қопланади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар малакасини оширишнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

малака ошириш курсларида ўқитиладиган ходимларнинг рўйхатини ҳамда малака ошириш курси тингловчиларининг ўқув гуруҳини шакллантириш;

ўқув дастури ва бошқа ўқув-методик ҳужжатларни тасдиқлаш ҳамда малака ошириш курсларини ташкил қилиш;

ўқув дастурига мувофиқ белгиланган мавзулар бўйича синов имтиҳонларини ўтказиш ҳамда ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги сертификат расмийлаштириш;

мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг маълумотлари базасини шакллантириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тўғрисидаги давлат таълим талабларини ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини таъминласин.

5. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари:

ушбу қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ходимларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибияти ва Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлимига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 7 ” октябрдаги 582-сон қарорига
илова

**Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик
шахсларнинг муурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари
малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари (кейинги ўринларда – муурожаатлар) билан иш олиб борувчи ходимларни (кейинги ўринларда – муурожаатлар билан ишловчи ходимлар) ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини белгилайди.

Бунда, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишловчи ходимлар деганда, келиб тушган муурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек, муурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадида давлат ташкилотларида ташкил этилган бўлим, бўлинма ёки гуруҳларнинг раҳбарлари ва ходимлари тушунилади.

2. Муурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишдан мақсад ходимларнинг муурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда муурожаатлар билан иш юритишни ташкил этишдаги назарий ва амалий билимлари, касбий маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда мунтазам янгилаб боришдан иборат.

3. Қуйидагилар муурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг малакасини ошириш ва ўқитишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

муурожаатларни кўриб чиқиш соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари тўғрисида аниқ тушунчаларни шакллантириш;

муурожаатлар билан иш олиб боришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари бўйича таҳлилий кўникмаларни шакллантириш ва касбий тайёргарликнинг бажариладиган вазифалар ва функцияларга мувофиқлигини таъминлаш;

фаолиятда муурожаатлар билан ишлаш соҳасидаги вазиятни тизимли назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш кўникмаларини ўргатиш.

4. Муурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва унинг филиалларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ва унинг филиалларида (кейинги ўринларда – таълим муассасаси) тўлов-шартнома асосида ташкил этилади.

5. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлар малакасини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади.

6. Давлат ташкилотлари раҳбарлари мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимларининг ўз вақтида малакасини оширишлари учун масъул ҳисобланади.

7. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлар малакасини ошириш билан боғлиқ харажатлар уларни малака оширишга юборган ташкилотнинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

2-боб. Малака ошириш курсини ташкил этиш тартиби

8. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлар малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ҳамда уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади.

9. Малака ошириш курсида ўқитиш вақти 12 соатни ташкил этади.

Ўқув юкмасининг умумий ҳажми мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, мурожаатлар билан ишлашни ташкил этишга қаратилган фаолият йўналишларига мувофиқ тақсимланади.

10. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлар малакасини оширишнинг ўқув дастури давлат ташкилотларида мурожаатлар бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигининг таҳлили натижаларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади.

Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясидан тегишли экспертизадан ўтказилиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда таълим муассасаси томонидан тасдиқланади.

11. Малака ошириш курсларида ўқиш вақти ва муддати таълим муассасаси билан келишилган ҳолда тайёрланадиган ҳамда тегишлилиги бўйича буюртмачи ташкилотлар томонидан 2-иловага мувофиқ шаклда тасдиқланадиган тингловчиларнинг малака ошириш курсларидан ўтиш вақти, шакли ва йўналиши кўрсатилган тақсимот-режаларга мувофиқ белгиланади.

12. Буюртмачи ташкилотлар томонидан тақсимот-режалар ярим йил учун тузилади ва ҳар йили июнь ва декабрь ойининг 15 санасига қадар тасдиқланади ҳамда мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган ўзи танлаган таълим муассасаларидан бирига етказилади.

Тақсимот-режаларда ходимнинг малака ошириш курсларидан ўтиш шакли кўрсатилади.

13. Буюртмачи ташкилотлар тақсимот-режаларга асосан ўқиши белгиланган ходимларини малака ошириш курсларида қатнашишларини таъминлайди.

14. Малака ошириш курсига тингловчиларни қабул қилиш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Таълим муассасаси тингловчиларнинг малака ошириш курсларига ўз вақтида келмаганлиги ёки қатнашмаганлиги ҳақида давлат ташкилотларига хабар беради.

Малака ошириш курсларида узрли сабабларга кўра қатнашмаган тингловчиларга навбатдаги малака ошириш курсларида ўқишга рухсат берилади.

15. Малака ошириш курсларида ўқув жараёни ўқув курсининг дастури асосида таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали бўйича олиб борилади.

16. Малака ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:
таълим муассасаси ва унинг филиалларида ўқитиш;
ходимларнинг иш жойида ўқитиш;
масофавий таълим орқали ўқитиш.

17. Иш жойида ўқитиш таълим муассасаси томонидан мутахассисларни жалб этиш орқали тингловчини ишдан ажратмаган ҳолда иш жойининг ўзида ўқитишдан иборат.

Малака оширишнинг мазкур шакли бўйича ўқув жараёни давлат ташкилотлари томонидан гуруҳларнинг шакллантирилишини инобатга олган ҳолда тингловчилар сони камида ўн нафар бўлган гуруҳлар учун ташкил этилади.

18. Масофавий таълим онлайн ва офлайн тарзда амалга оширилади.

19. Онлайн шаклдаги масофадан ўқитиш тингловчи ва профессор-ўқитувчилар ўртасида ўзаро алоқани таъминлаш учун махсус жиҳозланган ўқув хоналарида реал вақт режимида амалга оширилади.

Офлайн шаклдаги масофадан ўқитиш таълим муассасасида ишга туширилган махсус масофавий таълим платформаси орқали амалга оширилади.

Ходимларнинг масофавий таълим олиш учун белгиланган ўқиш жойларига етиб келиши, шунингдек, масофавий таълим платформаси орқали рўйхатдан ўтиб, ўқув жараёнларида иштирок этиши давлат ташкилотлари томонидан таъминланади.

20. Масофавий таълим давомида тингловчилар курсларни ташкил этиш ва ўтказиш режасига, ўқиш давомийлигига амал қилиши, шунингдек, таълим жараёнида шахсан ўзи иштирок этиши талаб этилади.

21. Масофавий таълим шакли бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолияти ва таълим жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда йўналтириш таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан бириктириладиган педагог маслаҳатчи томонидан амалга оширилади.

22. Тингловчилар билан доимий алоқа боғлаш, тингловчиларга зарур методик ёрдам бериш ва тингловчилар билимларини баҳолаш педагог маслаҳатчининг вазифаларига киради. Педагог маслаҳатчи якка тартибдаги топшириқнинг тингловчи томонидан бажарилишини ҳолисона баҳоланиши учун жавоб беради.

Педагог маслаҳатчи билан алоқа электрон почта, телефон ва бошқа электрон алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, педагог маслаҳатчи билан алоқа сессиялар (бевосита юзма-юз мулоқот) тарзида ҳам амалга оширилиши мумкин.

23. Малака ошириш курслари ўқув дастурига мувофиқ белгиланган мавзулар (модуллар) бўйича синов имтиҳонини топшириш билан яқунланади.

24. Масофавий таълим курслари бўйича синов имтиҳони (сухбат) офлайн шаклда тест топшириқларини бажариш ёки онлайн шаклда реал вақт режимида ташкил этилиши мумкин.

Синов имтиҳони (сухбат)ни қабул қилиш шакли таълим муассасаси раҳбарининг буйруғида кўрсатилади.

25. Малака ошириш курсларида ўқиган тингловчиларга ўқув курсининг номи ва ҳажми кўрсатилган ҳолда, малака ошириш курсларини яқунлаганлик учун белгиланган намунадаги сертификат расмийлаштирилади.

Синов имтиҳонини топширмаган (сухбатдан ўтмаган) тингловчига сертификат берилмайди. Бу ҳолда тингловчига малака ошириш курсида қатнашганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

Тингловчи узрли сабабларга кўра синов имтиҳонида қатнашмаган ҳолларда таълим муассасаси раҳбари томонидан синов имтиҳони (сухбат)ни топширишга рухсат берилиши мумкин.

26. Синов имтиҳони натижаларидан норози бўлган тингловчи натижалар эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида таълим муассасаси раҳбари номига апелляция шикоятни билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

27. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан беш нафар аъзодан иборат таркибда Апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссияси таркибига, қоида тариқасида, таълим муассасаси раҳбарининг биринчи ўринбосари, бўлим бошлиқлари, шунингдек, тингловчи натижаларидан норози бўлган синов имтиҳонида иштирок этмаган педагог ходимлар киритилади. Апелляция комиссиясига бошқа ташкилотлардан ҳам мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Апелляция комиссияси фаолияти унинг ишида аъзолардан учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Апелляция комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва унда иштирок этган барча аъзолар томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

28. Апелляция комиссиясининг иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарорда белгиланади. Апелляция комиссияси таркибига синов имтиҳони комиссияси таркибидан аъзо киритилмайди.

29. Апелляция шикоятни апелляция комиссияси томонидан шикоят берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқилади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқишда апелляция комиссияси синов имтиҳони билан боғлиқ материалларни ҳар томонлама ўрганади.

30. Тингловчилар апелляция комиссияси томонидан шикоятни кўриб чиқиши жараёнида иштирок этишга ҳақли.

Тингловчининг апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижаси бўйича апелляция комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

кўйилган балларни ўзгаришсиз қолдириш;

кўйилган балларни ўзгартириш.

Тингловчининг апелляция шикоятини кўришда унинг илгари олган балини пасайтиришга йўл қўйилмайди.

31. Малака ошириш курсига қабул қилинган тингловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича сақлаб қолинади.

32. Таълим муассасаси:

малака ошириш фаолиятига ўқув-методик раҳбарлик қилади;

малака оширишнинг ўқув дастурини ишлаб чиқади ва мунтазам янгиланишини таъминлайди;

малака ошириш механизмлари ва усулларини такомиллаштириш чораларини кўради;

малака ошириш тизимида таълимнинг замонавий шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий қилади.

33. Давлат ташкилотлари:

мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш қамровининг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилганлиги учун масъул ҳисобланади;

мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб беради;

таълим муассасасига статистик, ахборот-таҳлилий материалларни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти умумлашмалари ва материалларини тақдим этади, ахборот-ресурс базасини ривожлантиришга кўмаклашади.

3-боб. Мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби

34. Мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг маълумотлари базаси тегишли равишда Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) адлия бўлимлари (кейинги ўринларда – ҳудудий адлия органлари) томонидан шакллантирилади ҳамда юритилади.

35. Вазирлик ва ҳудудий адлия органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида давлат ташкилотлари томонидан мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, улардан мурожаатлар билан ишлаш фаолиятига доир бошқа тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олишга ҳақли.

36. Вазирликда мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларнинг маълумотлари йиғма базаси, ҳудудий адлия органларида эса ҳудудий маълумотлар базаси юритилади.

37. Маълумотлар базалари давлат тилида, электрон шаклда юритилади ҳамда малака ошириш курслари давомида, жумладан унинг даврийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

38. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек, республика даражасидаги давлат ташкилотлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари тўғрисидаги ахборотни Вазирликка, вилоят даражасидаги давлат ташкилотлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари тўғрисидаги ахборотни Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари ва туман даражасидаги давлат ташкилотлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари тўғрисидаги ахборотни туман (шаҳар) адлия бўлимларига тақдим этади.

39. Давлат ташкилотлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 10-санасига қадар тегишли адлия органига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади.

Туман (шаҳар) адлия бўлимлари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 15-санасига қадар базадаги маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига электрон шаклда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 20-санасига қадар ҳудудий базадаги маълумотларни Вазирликка электрон шаклда тақдим этади.

40. Такдим этилган маълумотлар йил давомида ўзгарган тақдирда, давлат ташкилотлари ўн кун муддатда тегишли маълумотни адлия органига юбориши лозим.

Худудий адлия органи ўзгаришлар бўйича маълумотларни улар тақдим этилгандан сўнг беш кун муддатда Вазирликка тақдим этиши шарт.

41. Таълим муассасаси мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги маълумотни ҳар чоракда, тегишли чорак якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 5-санасига қадар Вазирликка электрон шаклда тақдим этади.

42. Такдим этилган маълумотлар Вазирликка келиб тушгандан сўнг, улар икки иш кун ичида маълумотлар йиғма базасига жойлаштирилади ва мунтазам равишда янгилаб борилади.

4-боб. Яқуний қоидалар

43. Ушбу Низом талабларини вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан бажарилишини мувофиқлаштириш Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш бўлими томонидан амалга оширилади.

44. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб борувчи ходимлари малакасини ошириш курсларини ташкил этиш СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш мuddатлари
I. Малака ошириш курсини ташкил этиш тартиби			
1-босқич	Давлат бошқаруви академияси, Юристар малакасини ошириш маркази	<ol style="list-style-type: none">Мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлар малакасини оширишнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқади.Ўқув дастурини Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясидан тегишли экспертизадан ўтказилишини таъминлайди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлайди.	<ol style="list-style-type: none">Ўқув курси бошланишидан камида 2 ой олдин.Ўқув курси бошланишидан камида 1 ой олдин.
2-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари	<ol style="list-style-type: none">Малака ошириш курсларида ўқитиладиган ходимларнинг рўйхатини шакллантиради.Ходимларини малака ошириш курсларида ўқитиш бўйича ҳар ярим йиллик тақсимот-режаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.Тақсимот-режаларини Давлат бошқаруви академияси ёки Юристар малакасини ошириш марказига юборадиМалака ошириш учун тегишли шартномаларни расмийлаштиради.Ходимларни ўқув курсларида ўқитиш масалалари бўйича масъул ходимни таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилишини ташкил қилади.	<ol style="list-style-type: none">Ҳар йили 1 июнь ва 10 декабрь.3-Ҳар йили 15 июнь ва 15 декабрь.Ўқув курси бошланишидан 5 иш куни олдинДоимий равишда
3-босқич	Давлат бошқаруви академияси, Юристар малакасини ошириш маркази	<ol style="list-style-type: none">Буйруқ асосида малака ошириш курси тингловчиларининг ўқув гуруҳини шакллантиради.Ҳар бир ўқув гуруҳига педагог-маслаҳатчини бириктиради.	Ўқув курси бошланишидан 1 иш куни олдин
4-босқич	Давлат бошқаруви академияси, Юристар малакасини ошириш маркази	<ol style="list-style-type: none">Ўқув дастури ва бошқа ўқув-методик ҳужжатлар асосида малака ошириш курсларини ташкил қилади.Давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда малака ошириш бўйича ўқитиш жараёنлари мониторинг (ички ва ташқи) қилиб борилади.	<ol style="list-style-type: none">Тақсимот-режада белгиланган мuddатдаМунтазам, ўқув жараёни давомида

Босқич	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
5-босқич	Давлат бошқаруви академияси, Юристлар малакасини ошириш маркази	1. Малака ошириш курслари ўқув дастурига мувофиқ белгиланган мавзулар (модуллар) бўйича синов имтиҳонини ташкил қилади. 2. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга белгиланган намунадаги (электрон) сертификат расмийлаштиради.	1. Ўқув курслари якунида 2. Синов имтиҳони топширилган куннинг ўзида

II. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимларнинг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби

1-босқич	Давлат органлари ва ташкилотлари Туман (шаҳар) адлия бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари	1. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлар тўғрисидаги маълумотни республика даражасидаги давлат ташкилотлари Адлия вазирлигига, вилоят даражасидаги давлат ташкилотлари ҳудудий (вилоят) адлия органларига, туман даражасидаги давлат ташкилотлари туман (шаҳар) адлия бўлимларига тақдим этади. 2. Маълумотлар базасидаги маълумотларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига электрон шаклда тақдим этади. 3. Ҳудудий маълумотлар базасидаги маълумотларни Адлия вазирлигига электрон шаклда тақдим этади.	1. Тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 10-санасига қадар 2. Тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 15-санасига қадар 3. Тегишли йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 20-санасига қадар
2-босқич	Давлат бошқаруви академияси, Юристлар малакасини ошириш маркази	Малака оширишдан ўтган давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимлари ҳақидаги маълумотни Адлия вазирлигига электрон шаклда тақдим этади.	Ҳар чоракда, тегишли чорак якунлангандан сўнг, кейинги ойнинг 5-санасига қадар
3-босқич	Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари	1. Мурожаатлар билан иш олиб боровчи ходимларнинг маълумотлари базасини шакллантиради ҳамда юритади. 2. Давлат ташкилотларидан мурожаатлар билан ишлаш фаолиятига доир бошқа тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади.	1. Тақдим қилинган маълумотлар келиб тушгандан сўнг 2 иш кунини ичида. 2. Заруратга кўра.

Давлат органлари ва ташкилотларининг жисмоний
ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш олиб
борувчи ходимлари малакасини ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази ёки
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака оширишдан
ўтган давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимлари ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Ф.И.О.	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи	Лавозими	Малака оширган вақти	Малака оширганлиги тўғрисида берилган сертификатнинг вақти, серияси ва рақами
1.						
2.						
3.						
....						

